



ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ХУҚУҚИЙ НОРМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Артиков Самандар Фозилович

ИИБ Академияси магистратураси магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10574678>

Юртимизда ҳозирги кунда содир бўлаётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа соҳадаги ислохотларнинг барчаси фуқароларимизнинг манфаатлари ҳамда демократик жамият қуриш йўлида амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармонига асосан ҳамда ИИО жиноятларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш қидирув ишларини амалга оширишни такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қўйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди¹.

Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, қасддан одам ўлдириш, босқинчилик, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғояларнинг тарқалиши ички ишлар органлари олдида ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда. Сўнгги тўрт йил ичида Республикада Ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш, жиноятчиликка қарши курашишда замонавий воситалар ва усуллардан фойдаланиш, жамоат хавфсизлигини ва ҳуқуқий тартиботни таъминлашнинг самарали тизимини босқичма-босқич ташкил этилди ва ички ишлар органларининг

¹ Бекмуродов Н. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 165-169.





тезкор-қидирув фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қуйидаги чора-тадбирлар белгиланди²


Тезкор-қидирув фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш деганда тезкор-қидирув фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ва қонуности ҳужжатларга айтилади. Ушбу масалада МДХга аъзо давлатларнинг тезкор-қидирув фаолияти қонунчилиги нормалари ўрганилганида қуйидагилар маълум бўлди. Жумладан, Хусусан, Украина Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида” қонунда: “тезкор-қидирув фаолиятини ҳуқуқий асослари Украина Конституцияси, ушбу қонун, Украинанинг жиноий, жиноят-процессуал, солиқ ва божхона кодекслари, “Прокуратура тўғрисида”, “Миллий полиция тўғрисида”, “Коррупцияга қарши курашиш миллий бюроси тўғрисида”, “Давлат тергов бюроси тўғрисида”, “Иқтисодий хавфсизлик бюроси тўғрисида”, “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”, “Давлат чегара хизмати тўғрисида”, “Давлат жиноят-ижроия хизмати тўғрисида”, “Давлат органи ходимлари ва мансабдор шахсларнинг давлат томонидан муҳофаза қилиш тўғрисида” ги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари, Украина иштирок этган халқаро ҳуқуқий келишув ва шартномалар ташкил этиши (З-м)”³ мазмунида қонуннинг назарда тутилгани миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда халқаро ҳужжатлар асосида тезкор-қидирув фаолияти амалга оширилади⁴.

Бугунги кунда халқаро ҳуқуқ принциплари маълум бир давлат томонидан қабул қилинган ва тан олинган бўлса, уларга қонунийликнинг мажбурий мезонлари бўлиб хизмат қиладиган умумий асослар сифатида қаралади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 3-моддасида таъкидланишича, “жиноят ишларини юритиш, жиноят содир этилган жойдан қатъи назар, башарти Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузилган шартнома ва битимларида ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлса, иш юзасидан суриштирув, дастлабки

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6196-сон фармони. [Электрон манба: <https://lex.uz/docs/5344118>. Мурожаат вақти: 25.01.2024 й.]

³ Закон Республики Украины от 18 февраля 1992 г. № 2135-ХІІ «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <http://online.zakon.kz>. (мурожаат вақти: 01.01.2024).

⁴ Бобомуродов Ф. Тезкор-қидирув фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиниши // Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 3. – С. 137-142.






тергов ва суд муҳокамаси юритилаётган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади". Айтиш мумкинки, халқаро ҳуқуқнинг тан олинган принциплари ва нормалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари Ўзбекистон Республикаси жиноят процессини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг ажралмас қисми ҳисобланади. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ушбу Кодексда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади⁵.

Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида" қонунида: "тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ушбу қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир" мазмунида қоидаларни белгилангани, бошқа қонун ҳужжатларига қандай норматив-ҳуқуқий ҳуқуқий тааллуқли эканлиги мавҳум бўлиб қолганлигини кўрсатмоқда. Ўрганилган 11 та давлатларнинг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонун нормалари мазмунида назарда тутилган тезкор-қидирув фаолиятини ҳуқуқий тартибга солинишини моҳиятини ўрганиш асосида биринчидан, 9 та давлатларда тезкор-қидирув фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда халқаро шартномалар ҳуқуқий асос бўлиши назарда тутилган бўлиб, фақатгина Ўзбекистон Республикаси "Тезкорқидирув фаолияти тўғрисида"ги қонун нормасида ушбу қоида назарда тутилмаганлиги, Молдова ТҚФ қонунида тезкор-қидирув фаолиятини ҳуқуқий тартибга солинишига оид норманинг мавжуд эмаслиги; иккинчидан, Украина, Арманистон ТҚФ тўғрисидаги қонун нормасида тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг номланиши аниқ баён этилганилиги; учинчидан, Қозоғистон, Россия ва Озарбайжон ТҚФ тўғрисидаги қонун нормасида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш ва тактикасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида қоидалар белгиланганлигини таъкидлаш жоиздир⁶.

Х.М. Набиев фикрига кўра, ахборот асрида мамлакатимизда тезкорқидирув фаолияти ни ахборот билан таъминлашда ҳанузгача кўп

⁵ Ҳожиёв Н. Ички ишлар органларнинг тезкор-қидирув фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий тартибга солиниши //Евразийский журнал академических исследований. – 2022. – Т. 2. – №. 13. – С. 87-91.

⁶ Бобомуродов Ф. Тезкор-қидирув фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиниши //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 3. – С. 137-142.





йўналишларда эски усуллардан фойдаланиб келинмоқда. Бу эса, тезкор қидирув фаолиятини ташкил этишда муаммо ва турли тўсиқларни келтириб чиқаради⁷ деб фикр билдирса Н.Н. Бекмуродов тезкор-қидирув фаолияти натижаларини терговга тақдим этиш тартиби идоралараро қарор орқали, ошкора натижаларини эса Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг нормалари билан тартибга солиниши лозим деб ўз таклифларини билдирганлар⁸

Тезкор қидирув фаолиятида амалга оширилган ишлар яъни ислохотлар ушбу фаолият ривожига қандай фойда келтиради деган савол туғилади. Ушбу саволга мақола муаллифи қуйидагича жавоб беради. Жумладан бугунни кунда тезкор қидирув фаолиятидаги ислохотлардан мақсад қуйидагилар муаммо камчиликларни бартараф этишдир. Булар қуйидагилар намоён бўлади:

биринчидан, тезкор қидирув фаолиятини ташкил этиш асослари ҳудудларда жиноятни ошиши сабабли ушбу ҳудудларни ривожланиш қизил ҳудудларини камайтириб яшил ҳудудларни кўпайтириш эвазига жойларда тўпланиб қолган муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилиш;

иккинчидан, айрим тезкор қидирув фаолиятини амалга ошириувчи органларга юклатилган вазифаларнинг декларатив хусусиятга эгаллиги, уларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари етарли эмаслиги, вазифаларнинг такрорланиши ва давлат томонидан ортиқча тартибга солиш ҳолатларининг мавжудлиги амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатишини олдини олиш;


учинчидан, тезкор қидирув фаолиятини амалга ошириувчи органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг амалдаги тизими қабул қилинаётган қарорларнинг ижросига тўсқинлик қилувчи тизимли муаммоларни ўз вақтидааниқлаш ва бартараф этиш;

тўртинчидан, тезкор қидирув фаолиятини амалга ошириувчи органлари фаолиятини баҳолаш механизмларини жорий этиш орқали жойлардаги ишларнинг ҳаққоний ҳолатини акс эттириш;

бешинчидан, тезкор қидирув фаолиятини амалга ошириувчи органлари ва ушбу фаолият раҳбарлари жавобгарлик соҳасининг аниқ

⁷ Набиев Х.М. Тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлаш ва тезкорқидирув ишини юритишни ташкил этишнинг айрим жиҳатлари //E Conference Zone. – 2022. – С. 34-39.

⁸ Бекмуродов Н.Н. Тезкор-қидирув фаолиятини натижаларидан жиноят ишлари бўйича исбот сифатида фойдаланишдаги айрим муаммолар //Журнал правовых исследований. – 2022. – №. SI-21





чегараси, айниқса, жойларда тезкор қидирув фаолиятини амалга ошириувчи органларининг ички идоравий ва идоралараро ўзаро ҳамкорлигининг таъсирчан механизмлари яратиш;


олтинчидан, тезкор қидирув фаолиятини ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва ходимларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишда ички ишлар органлари ролини ошириш;

еттинчидан, тезкор тадбирлар жараёнида ишларни режалаштириш ва ташкил этишнинг замонавий инновацион услубларини, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш⁹ даражаси қабул қилинаётган қарорларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш ва унинг жараёнини тезкор кузатиб бориш имконини бериш, шунингдек, тезкор қидирув фаолияти бошқарувида ортиқча бюрократлаштириш ва юқори сарф-харажатларга сабаб бўладиган омилларга барҳам бериш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бекмуродов Н. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 165-169.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон фармони. [Электрон манба: <https://lex.uz/docs/5344118>. Мурожаат вақти: 25.01.2024 й.]
3. Закон Республики Украины от 18 февраля 1992 г. № 2135-XII «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <http://online.zakon.kz>. (мурожаат вақти: 01.01.2024).
4. Ҳожиев Н. Ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий тартибга солиниши //Евразийский журнал академических исследований. – 2022. – Т. 2. – №. 13. – С. 87-91.
5. Набиев Х.М. Тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлаш ва тезкорқидирув ишини юритишни ташкил этишнинг айрим жиҳатлари //E Conference Zone. – 2022. – С. 34-39.

⁹ Мирсалихова Г. Тезкор қидирув фаолиятини ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 291-296.





6. Мирсалихова Г. Тезкор қидирув фаолиятини ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 291-296.
7. Нарзиев Ш., Узакбергенова У. Профилактика инспекторининг ташкилотлар ва фуқаролар билан ўзаро ҳамкорлик йўналишлари //Science and innovation in the education system. –2024. –Т. 3. –No. 1. –С. 5-8.
8. Нарзиев Ш. З. Боскинчилик жиноятининг объектига оид айрим мулоҳазалар //imras. –2023. –т. 6. –No. 7. –с. 589-594.
9. Нарзиев Ш., Олимжонов Ж. Қасддан одам ўлдириш жиноятининг тушунчаси //Инновационные исследования в науке. –2024. –Т. 3. –No. 1. –С. 13-18.
10. Нарзиев Ш.З. Профилактика инспекторларининг илгари судланган шахслар билан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш фаолияти ҳақида айрим масалалар //zamonaviy fan, ta'lim va ishlab chiqarish muammolarining innovatsion yechimlari. –2022. –С. 159-162.

